



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 1 июнь, № 107 (5527)

Жума

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2012 йил 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Ташриф давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

ВЕНАДА ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРИЯ БИЗНЕС АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Яқинда Венада икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида Ўзбекистон — Австрия бизнес анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Австрия иқтисодий палатаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ўрнатиш ва юртимизда қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирган Австрия ва Ўзбекистон компаниялари раҳбарлари ҳамда вакиллари қатнашди.

Дунё нигоҳи

Тадбир доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Австрия иқтисодий палатаси раҳбарияти ва Австрия компаниялари вакиллари иштирокида “онлайн” видео-анжумани ҳам ташкил этилди.

Анжуманда дори-дармон, тўқимачилик, машинасозлик саноати, қишлоқ хўжалиги сингари қатор ишлаб чиқариш соҳаларидаги ихтисослаштирилган давлат ва хусусий компанияларнинг вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси томонидан ишлаб чиқариш жараёнига энг янги технология ва билимларни қўллаш юзасидан австриялик шериклар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масаласига алоҳида ургу берилди.

Ўзбекистон — Австрия бизнес анжумани доирасида кооперация биржаси ҳам ўтказилди.

Австрия иқтисодий палатасининг минтақавий директори Х. Вальтер икки томон-

лама савдо-иқтисодий ва сармоявий муносабатларда ҳали фойдаланилмаган салмоқли салоҳият мавжудлигини билдирди. Унинг фикрича, Ўзбекистон — Австрия бизнес анжуманларининг ўтказилиши ва иқтисодий делегациялар алмашинувлари аъёнага айланиб бораётгани ҳолда улар икки мамлакатнинг ихтисослаштирилган компания ва корхоналари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Австрияда фаолият кўрсатадиган “Хемофарма” компаниясининг менежери М. Кондо сўнгги йилларда Ўзбекистонда қорвачиллик ва паррандачилик мажмуини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. “Бизнинг компаниямиз бу соҳада ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёрдир”, деди у.

(Давоми 2-бетда).

Билим ва маҳорат синови

Юртимизда ёшларнинг иқтидорини юзга чиқариш, истеъдодли ўғил-қизларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, бу борада “Фонд Форум” ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган “Келажақ овози” республика кўрик-танловининг алоҳида ўрни бор. Яқинда Самарқандда мазкур нуфузли танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Беллашувда етти минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Танлов ҳайъати ёшларнинг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика номинациялари бўйича билим ҳамда салоҳиятини муносиб баҳолади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Усен Ибрагимов ҳам “Келажақ овози” кўрик-танловида қатнашиб, имконияти чекланганлар учун яратган махсус компьютер дастурини тақдим этди. — Дастурнинг афзал жиҳати шундаки, — дейди Усен, — унинг кўмагида компьютердан клавиатурасиз фойдаланиш мумкин. Яъни компьютер овоз ёрдамида бошқарилади. Ҳозир бу дастур икки тилда ишлайди. Келгусида уни янада такомиллаштириш устида иш олиб бораёяман.

Қизгин беллашувлар остида кечган танловда 1,5 минг нафарга яқин ана шундай иқтидорли ёшлар истеъдод ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Улардан 45 нафари кўриқнинг республика босқичи йўлланмасига эга бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Меҳри дарё,
бағри кенг ва
болажон халқ, деганда,
кўпчилик бизни —
Ўзбекистонликларни
назарда тутди.
Бу бежиз эмас,
албатта. Зеро, фарзандни
кўз қорачиғидек асраб-авайлай-
диган, ҳамиша ва ҳар қачон
болам деб яшайдиган инсонлар
айнан шу ерда —
жонажон юртимизда
умргузаронлик қилади.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Президентимизнинг ёш авлод келажаги ҳақида қайғуриб айтган ҳар бир сўзлари, истиқлол фарзандларининг ҳеч қимдан кам бўлмагунлигини таъминлаш йўлидаги юксак ғамхўрликлари замирида ҳам ана шундай беқиёс мурувват, беминнат меҳр мужассамдир. Бунинг ҳаётий тасдиғи сифатида мустақилликка эришган дастлабки йилларимиздаёқ, юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси ратификация қилинганлигини эслашнинг ўзини кифоя. Қолаверса, мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ва қатор манзилли дастурларнинг изчил ижроси таъминланмоқда-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ки, буларнинг бари навқирон авлод қамолотида беқиёс аҳамиятга эга.

Бугунги кунда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ибратли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳам айни ҳақиқат.

Бинобарин, жойларда фаолият кўрсатаётган Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, шунингдек, “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, “Соғлом авлод учун”, Болалар спортини ривожлантириш ва

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказлари томонидан кўпгина хайрли ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Буларнинг бари юртимизда ҳеч бир фарзанд эътибордан четда эмаслигининг яққол далилидир.

Болажонларга бўлган самимий меҳрининг яна бир ёрқин ифодаси 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни юртимизда ҳар йили кенг нишонланиши мисолида намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбек ёшлари келажакка комил ишонч билан қарайди»

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида хорижий экспертлар Ўзбекистонда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муҳофазаси, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланиши масалаларига қаратилаётган улкан эътибор хусусида фикр билдирдилар.

Йўналтирилган иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ҳамда бошқа соҳаларда эришилаётган ўзгаришлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлганини маълум қилди.

Экспертнинг айтишича, жорий йилнинг февралда Тошкентда бўлиб ўтган “Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

Халқаро муносабатлар Европа институти геосиёсат бўлимининг директори Пьер-Эмануэл Томанн берган интервьюсида Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлган ва турли йирик халқаро конференцияларда иштирок этганини, шунингдек, мазкур анжуманларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан пухта ўйланган ва ижтимоий

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Президентимиз Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, маънавий-мафкуравий ишларни янада жонлантириш борасида бир қатор дастурий йўналишларни белгилаб берди.

Дастурий йўналишлар тарғиботи

Айни пайтда жойларда ушбу вазибалар мазмун-моҳияти кенг жамоатчилик томонидан қизгин ўрганилмоқда. Зеро, Юртбошимизнинг интервьюсида таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш, мудҳиш уруш азоб-уқубатлари такрорланишига йўл қўймас-

лик, айниқса, ёшлар онгида фашизм, миллатчилик каби иллатларга нафрат туйғусини кучайтириш, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ҳар бир юртдошимиз зиммасига юксак масъулият юклайди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида “Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш — давр талаби

Мамлакатимизда сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни таҳлил қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ижроси доирасида уюштирилди.

Давра суҳбатида Марказий сайлов комиссияси мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати

аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шаклидир. Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий-меъриий пойдевор яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Пскентда узум пишди

Пскент туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳимжон Худойкулов ўз томорқасида етиштирган “Чиллаки” ҳосилини узди.

Яхши хабар



Гап шундаки, хонадон соҳиби бундан бир неча йил аввал тажриба тариқасида иссиқхона шароитида узум етиштиришга киришган эди. Буни қарангки, оила аъзоларининг интилиши ва меҳнатлари самараси ўлароқ, марварид шода-сидек мўл ҳосил туққан узумларга одатдагидан қарийб бир ой муқаддам ранг кирди. Эътиборлиси, томорқа эгаси роппа-роса 40 туп тоқдан 1,5 тонна ҳосил олишга муваффақ бўлди. Бу оилага нақд 18 миллион сўм даромад келтирди.

— Фақат бугина эмас, — дейди Раҳимжон Худойкулов. — Томорқамиздан йилга 4 марта ҳосил олаёямиз. Аҳолига турли гўкатлардан тортиб, гул кўчатлари ҳамда сабзавот маҳсулотларига етказиб бераёямиз.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизда 2012 йилнинг биринчи чорагида яратилган жами иш ўринларининг қарийб

65 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқларда 153 мингдан ортиқ иш жойлари очилгани ана шундай юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

«Микрокредитбанк»:

АҲОЛИ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар инсон омили, яъни аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилгандир. Масалан, кейинги йилларда банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши нафақат молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлапти, балки одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, даромадларини кўпайтиришга, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилапти. Бу эса, ўз навбатида, банклар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайтир.

Республикамиз молия бозорига 2006 йилдан буён фаолият юритиб келётган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки бугунги кунда ўзининг 83 филиали, 234 та минибанки ва кўплаб агентликлари орқали турли мулкчилик шаклидаги 200 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга, оилавий тадбиркорларга кенг қўламадаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Мижозларга кредит ажратилаётганда, аввало, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва ҳудуддаги мавжуд эҳтиёжлар ҳисобга олингани, яъни хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа лойиҳаларга эътибор қаратилаётгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг ус-тувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўрт ойида банкнинг жами капитали 173,8 миллиард сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич олти йил ичида 2,2 баробарга ошгани ҳам диққатга сазовордир.



Мустақкам оила йилида эса банк томонидан «Оила фаровонлиги учун» деб номланган хизматлар мажмуаси тақдим этилмоқда. Мазкур янги хизматлар жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалар даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банкнинг янги хизмат турларидан яна бири — «Келажак учун интеллектуал сармоялар» деб аталади. Хўш, бундай кредитлар кимларга аталган ва кимларга берилиши мумкин? Аввало, шуни айтиш керакки, кредитнинг мазкур туридан шу пайтнинг ўзидеяқ фойда кутиш мумкин эмас. Чунки ушбу сармоя болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган. Кредит болаларнинг ота-онаси, яқин қариндошларига уларнинг олий ўқув юртиларига киришга тайёргарлик кўришлари, ўқув марказларида билим олишлари, чет тилларини ҳамда компьютер саводхонлигини ўрганишлари, спорт билан шугулланиш ва касб-ҳунар эгаллашлари учун кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашга берилади. Ушбу кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорига, бир ярим йил муддатга ажратилиши мўлжалланган.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли учун томорқа хўжалиги муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Банк замонавий хизмат турлари билан оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу кунларда аҳолига қуёш батареялари учун кредитларни ташкил этиш устида иш олиб борилаётган. Бундай хизматнинг нархи кўпчиликини қизқитириши табиий, албатта. Дейлик, 10,5 миллион сўм миқдорига кредит ҳисобига жиҳозланган қуёш батареяси хонадонни иситиш ва совитишдан тортиб, электр қувватига бўлган барча эҳтиёжларни қондира олади. Республикада ишлаб чиқаришнинг ушбу жиҳозларнинг ишлаши хизмат кўрсатувчи корхона томонидан 15 йилга кафолатланади. Банкнинг бундай хизматлари кўлаб оилалар учун чинакам қулайликлар ярата олади.

Айни пайтда банк фаолияти жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани унинг халқаро доирадаги нуфузини ҳам мустақкамлапти. Халқаро «Fitch Ratings» агентлиги томонидан «Микрокредитбанк»нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтинглари «В» «Барқарор» даражасига кўтарилгани, 2011 йил натижаларига қўра, унинг хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтинг даражаси оширилиб, «Барқарор» деб баҳолангани бунинг тасдиғидир.

Дунёдаги йирек молия ташкилотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки маблағлари, Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредит линиялари грантларини кичик бизнес субъектларига тақдим этишда ҳам банк фаол иштирок этмоқда.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашинуви — «Mix-market» агентлиги ҳисоботларига қўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кириб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилгани ҳам «Микрокредитбанк»нинг халқаро доирадаги обрўи тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Бостонда (AQШ) нашр этиладиган «Микрокапитал бозори ахборотномаси» журнали томонидан чоп этилган ранкинг мувофиқ, Марказий Осиё ва Европадаги 151 микрокредит банки ичидаги энг яхши 10 та банк орасида «Микрокредитбанк» ОАТБ бешинчи ўринни эгаллагани эса нафақат мазкур молия муассасаси фаолиятига, балки мамлакатимизда банк-молия тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг нақадар тўғри эканлигига берилган юксак баҳодир.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртнинг осойишталигини таъминлайдиган асосий омилдир. «Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўзининг катта имкониятга эга микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

Банк матбуот хизмати.

Имтиёзли микросармоялар — даромад манбаи

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш «Микрокредитбанк»нинг асосий мақсади ҳисобланади. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингач эса, соҳани ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар эшиги очилди. Хусусан, тадбиркорлар учун энг паст фоизларда микрокредит бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш жорий этилди. Бунинг самараси ўлароқ, банк ўз фаолияти доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажмининг 202,8 миллиард сўмга етказиши кўзланган бўлса, ўтган давр ичида соҳага 110,7 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Унинг 61,8 миллиард сўмлиги имтиёзли микрокредитлар бўлиб, бу борада белгиланган режа 102 фоизга бажарилди. Шунинг ҳисобига 35 мингга яқин иш жойи яратилди.

Эътиборлики, банк жамоаси олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажмининг 202,8 миллиард сўмга етказиши кўзланган бўлса, ўтган давр ичида соҳага 110,7 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Унинг 61,8 миллиард сўмлиги имтиёзли микрокредитлар бўлиб, бу борада белгиланган режа 102 фоизга бажарилди. Шунинг ҳисобига 35 мингга яқин иш жойи яратилди.

«Микрокредитбанк», шунингдек, «Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилалар, айниқса, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 минг 900 дан зиёд ёш оилага 9,4 миллиард сўмлик маблағ берилди. Аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган сармоялар 13,0 миллиард сўмни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тақдим этилган кредитлар ҳажми эса 2,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари, банк томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Аёллар жағмармаси (UNIFEM) ҳамкорлигида «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқул туманидаги «Жана қалъа», «Бескўпир» ва «1-макан кенес» овул фуқаролар йиғинларида, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги «Сада» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги «Ер-тепа», «Ровот» ва «Юқорибешкент» маҳаллаларидаги кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафилиги асосида жами 100 минг AQШ доллари миқдорига миллий валютада микрокредитлар ажратди. Ушбу кредитлар ҳисобига оила шароитида уй ҳай-

вонларини парваришлаш, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпа-тўшак тикиш, дўппичилик каби фаолият турлари йўлга қўйилди. Германиянинг Жамғарма кассалари фонди кўмагида эса Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида яқка тартибда фаолият юритаётган аёлларга берилган кредитлар эвазига гиламчилик, тикувчилик, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш ва маиший хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда 200 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

Банк билан ҳамкорлик қилаётган ёшлар доираси ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Банк ходимлари ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида бўлиб, ўқувчиларга тадбиркорликни бошлаш учун микрокредит олиш тартиблари ва ундан мақсадли фойдаланиш талаблари асосида тадбиркорлик дарсларини ўтмоқдалар. Мазкур тадбирларнинг амалий самараси сифатида ўтган йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 1795 нафарига 5 миллиард сўмдан ортиқроқ миқдорда бошланғич сармоя сертификатлари тақдим этилди. 2012 йилда ажратиладиган кредитлар миқдори эса ўтган йилдагига нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,2 миллиард сўмга етказилиши кўзда тутилган.

Бу йўналишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан «Ёш тадбиркор — юртга мададор» лойиҳаси амалга оширилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи «Менинг бизнес гоям» танлов ташкил қилинган ёшларни ишбилармонликка жалб қилишда қўл келаяпти. Жорий йилнинг 19 май кунини Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган ўқув оромгоҳида «Менинг бизнес гоям» танловнинг қўлаб-қувватлаш маросими бўлиб ўтди. Унга танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар босқичи ғолиб-

ри тақлиф этилди. Ушбу лойиҳада 105 нафар ёш тадбиркор иштирок этган бўлса, шундан 21 нафарининг гоёси «Микрокредитбанк» томонидан молиялаштирилади.

Шу билан бирга, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан биргаликда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш мақсадида «Диплом билан — бизнесга» ўқув-семинарини ўтказиш бўйича қўшма қарор имзолангани кўлаб йигит-қизларга ўз бизнесини юритишига туртки берди.

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳрида (Голландия) бўлиб ўтган Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилотининг биринчи халқаро саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ҳамда таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшларни молиялаш

каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» апрель ойида пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича «BankExpo — 2012» миллий кўрғазмаси доирасида ўтказилган танловда «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Булар бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур молия муассасаси, юқорида таъкидланганидек, ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаятган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижа-

да жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилапти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини қорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришига кўмаклашмоқдалар.

Жорий йилнинг 26 май кунини Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Марказий банк ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар ҳам мазкур жамоани шундай саъй-ҳаракати мевасидир. Мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва битирувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида биноан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки 2011/2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун бошланғич сармоялар ажратиш ҳисобланади.

Семинарда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўрғазмаси намойиш этилди. Пировардида «Микрокредитбанк» томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 15 нафар битирувчига бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига қимматбаҳо совғалар топширилди.


Семинарда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги тадбиркорлар учун нечоғлик кенг имко-

ниялар яратётгани, натижада кичик бизнес субъектлари сафи тобора кенгайиб бораётганини алоҳида эътироф этдилар.

— Менга тикув машинаси берилгани айтиш мумкин бўлди, — дейди Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежи ўқувчиси Адолат Уктамова. — Ёшигимдан тикиш-бичиш жону дилим. Эндиликда уйда ўз бизнесимни бошлаш имконияти туғилди. Қолаверса, дугоналаримни ҳам ёнимга қақираман.

Янги хизматлар мажмуаси

«Микрокредитбанк» ўзининг аҳоли учун тақлиф этаётган маҳсулотлари, яъни замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшмоқда. Банкнинг бундай хизматлари халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Жумладан, «Микрокредитбанк»ка ижтимоий йўналишлардаги «MicroFinanzaRating» компанияси (Италия) халқаро қабул этилган «SBB» мейёрларига мувофиқ, «Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк» деган ижтимоий рейтингини тақдим этди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, банкнинг республикамиздаги ҳар бир оила даврасига яна ҳам яқинроқ кириб боргани, имтиёзли сармояларидан ҳар бир эҳтиёжманднинг баҳраманд бўлиши учун жисмоний шахс кафилиги, гуруҳ кафилиги ва ишончи асосида фойдалангани айтиш мумкин бўлди. Иккинчидан, тадбиркорнинг бошланғич сармоя олганидан тортиб ўз корхонасини саноат асосида ишлайдиган даражага кўтариб олгунича босқичма-босқич, белгилаб қўйилган имтиёзли микросармоялар билан қўллаб-қувватланиши мижозларнинг барқарор фаолият юритишига замин яратди.



Қорақалпоқ халқи — бағри кенг, қалби дарё, донишманд ва сахий халқ.

Ислон КАРИМОВ.

Қорақалпоқ халқининг мамлакатимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссаси, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида қўлга киритаётган салмоқли ютуқларини бугун барчамиз яхши биламиз.

Ушбу саҳифамизда

Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг меҳнаткаш, мард ва фидойи одамлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бу йил етмиш етти баҳорни қаршилаётган Саъдулла ота Халиллаев Хўжайли туманининг "Найман" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайди. Шифёрликдан пенсияга чиққан пиру бадавлат отахон беш ўғил, уч қизни меҳнаткаш, эл қорига ярайдиган инсонлар этиб вояга етказди.

Отахон билан у кишининг томорқасидаги иссиқхонани кўриш баҳонасида эқиндан танишдик.

Саховат – қалб гултожи

Иссиқхонага кирарканмиз, барглар орасида товланиб турган олтиндек сап-сарик лимонлар эътиборимизни тортди.

Бир неча йил олдин бир туп лимон кўчатини келтириб, шу кичкина иссиқхонани кургандим, — дейди Саъдулла ота. — Ҳозир лимонлар саккизтага етди. Хар тупидан йилга 300 донагача мева оляепмиз. 7-8 донаси бир килограмм тош босиши назарда тутилса, жами 300-350 килограмм ҳосил етиштириляпти. Ана шундан хар йили 3-4 миллион сўм даромад қилаемиз.

Отахоннинг сўзларини тинглаб, завқланасан, киши. Ўзининг меҳнатсеварлиги, гўзалликка интилувчанлиги билан ёшларга ўрнак кўрсатаётган бундай қарияларнинг бориға шукр, дейсан беихтиёр.

Саъдулла ота сингари саховатпеша инсонлардан яна бири Кўнғирот туманидаги "Хоразми" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайди. Бир умр ўқитувчилик қилиб, ёшларга таълим-тарбия берган, айни пайтда қарилк гаштини сураётган Сафарбой ака Матжоновни том маънода ватан-

парвар, юртини жондан севувчи инсон, десак, муволафа эмас.

— Ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган "Мустиқликнинг 20 йиллигиға 20 туп кўчат — менинг тухфам" ҳаракати менға

Ибрат

илхом бахш этди, — дейди Сафарбой ака. — Уз томорқаға мевали даррахт кўчатларидан 3 минг тупини экди. Шундан 2,5 минг тупи яхши ривожланиб, ҳозир бўйи 2-2,5 метрга етди. Шу 2,5 минг туп кўчатни тумани миздаги қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, боғчалар, қорхоналарға, кам таъминланган оилаларға бепул тарқатдим. Билансиз, Президентимизнинг амалға ошираётган эзгу ишларидан илҳомланиб қилаяман бу ишларни!

Тиниб-тинчимас Сафарбой ака келгуси баҳорда аҳолиға яна 5 минг туп мевали даррахт кўчатларни етказиб беришни янда.

Али ЗИЁДОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Болалар спорти

Қорақалпоғистоннинг олис туманларидан бири — Тахтакўпирда мухташам спорт мажмуаси қад ростлади. Барча талабларға жавоб берадиган мажмур иншоот Болалар спортининг ривожлантириш жағмағраси томонидан ажратилган 150 миллион сўм эвазига бунёд этилиб, 21 миллион сўмлик спорт ҳужазлари билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда туман халқ таълими бўлимиға қарашли Ёш ўсмирлар жисмоний тарбия клуби фаолият кўрсатмоқда.

Тахтакўпирлик чемпионлар

— Шундай чиройли, барча қулайликка эга спорт саройи борлиғидан беҳад мамнунмиз, бунинг учун Президентимизға минг раҳмат! — дейди ушбу спорт мажмуаси раҳбари Бекбергән Жаримбетов. — Бугун қанда клубимизда 728 нафар йигит-қиз спортнинг 7 тури бўйича мунтазам шугулланмоқда. Уларға 24 нафар тахрибабили ўқитувчи-мураббий сабоқ беришаётир.

Кувонарлиси, мажмур спорт мажмуаси фаолият юритаётганиға хали унча кўп вақт бўлмаганиға қарамай, унинг иштирокчилари орасидан юртимизнинг нуфузли мусобақаларида ғолибликни қўлга киритаётган ёшлар етишиб чиқмоқда. Масалан, ёш, иқтидорли спортчи Индира Урозобоева енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақада фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. Турон яккакураши бўйича Нукусда уюштирилган Осие чемпионатида яна бир умидли спортчи Саломат Имаматдинов 35 килограмм вазн тоифасида кумуш медалга соҳиби бўлди. "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт таълими томонидан ташкил этилган миллий кураш бешлашуварларида қатнашган Ислон Шамшетдинов эса



мутлак ғолибликни қўлга киритди.

Спорт мажмуасида бадий гимнастика бўлими фаолият юрита бошлагани, айниқса, тахтакўпирлик спортсевар қизлар учун айни мундо бўлди. Бу ерда 68 нафар қиз малакали мураббийлардан ушбу нафис спорт тури сирларини ўрганмоқда.

Шу ўринда ёшларнинг спортга бўлган интилишини билан қўллаб-қувватлаётган тахрикорлар ҳам қўллаб-қувватлаётгани эътиборға молик. Ана шундай эътиборта инсонлардан бири тумандаги "Таймбет" фермер хўжайли раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сарсенбай Сейташев бўлди. Сарсенбай оға спорт мажмуасига 10 миллион сўмлик ҳужазлар маблаг эвазига эса тарбияланувчиларға спорт кийим-кечаклари тухфа этилди.

Ҳуришд СУЛТОНОВ.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Қишлоққа кириб боришингиз билан кўз олдингизда намоён бўлган гўзал манзарадан қайфиятингиз кўтарилади. Бир чети уфққа туташиб кетган ям-яшил далалар, бир тарафи тўтзору олмазорлар... Иулнинг хар икки ёқасидаги кўкка буй чўзган тераклар хавасингизни келтира-

дастлаб отам ташкил этганлар, — дейди Пулат Каримов. — Хўжаликни оёққа турғазишда, илгорлар сафидан ҳол олишида у кишининг хиссалари катта. Ҳозир ҳам бирор ишға киришишдан олдин отамдан маслаҳат сўрайман. Зеро, бамаслаҳат қилинган ишининг баракиси бўлади.

Бугун ота ишини давом эттираётган Пулат Каримовнинг номини қишлоқдошлари хурмат билан тилға олишади. Чунки у доимо одамлар қорига яраша интилади. Қишлоқдаги бир чақиримдан кўпроқ йўлга ҳам шу фермернинг саховати туфайли асфальт ёқирилиб, раволаштирилди. Яна бир чақирим йўлга шагал тўшалиб, асфальтлаша ҳозирлаб қўйилди.

— Халққа хизмат қилиш, элнинг дуосини олиш — олний саодат, — дейди Пулат Каримов.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ўтов ва умуман, у билан боғлиқ урф-удумлар қорақалпоқларнинг аждодларидан мерос қадим қадриятларидан саналади. Халқ орасида унинг "қора уй", "қоқ ўтов", "бўз ўтов", "бўз ўрда" каби номлари ҳам бўлиб, олти, саккиз, ўн икки қанотлири мавжуд.

Олти қанотли қора уй янги турмуш қурган, ёш оилалар учун тикланади. "Ўзи алоҳида ўтов тиклади" дегани "оилали бўлди" деган маънони англатади. Бунда ўзига хос жиҳат шуки, уйланаётган йигитнинг

қилинган "Амаравелла" кўргазмаси ташриф буюрувчилар, айниқса, сайёҳлар томонидан илик кутуба олдинди. Унда машҳур рассомларнинг коинот, осмон жисмлари билан боғлиқ кўплаб ранг-баранг асарлари кўйилган.

Музейнинг совғалар дўконидан қорақалпоқ қизларининг моҳир кўплари билан яратилган каштачилик, тўқимачилик буюмлари, қорақалпоқ рассомларининг асарлари, альбомлар, буклетлар ўрин олган. Бу хунармандчи-



Шу ҳақда ўйларканман, Президентимизнинг "Биздан овоз ва обод Ватан қолсин" деган ибораси ёдимға тўшаверди. Қорақалпоқ халқининг бугунги азму шижоати ҳам ана шу эзгу ниятға ҳамоҳангдир.

Ўринбой ТОРЕНИЯЗОВ, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган меъмор, Бердақ номидаги давлат мукофоти соҳиби.

Сайёҳлар эътиборидаги музей

Нукусдаги И. Савицкий номи Қорақалпоқ Давлат санъат музейи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги "Ўзбекистон" жағмағраси томонидан "Сайёҳлар эътиборини қозонган музей" дея эътироф этилди.

лик маҳсулотлари ҳам хоризкликларни хайратға солаётди. Кўргазма заллари замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ташриф буюрувчиларнинг дам олишлари, ўзлари қизиққан санъат асарлари билан танишишлари учун барча қулайлик яратилган. Тахрибабили ҳодимлар музей бўйлаб саёҳатға бошлар экан,

қадимий ашёлар, улар билан боғлиқ тарихий воқеалар тўғрисида ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида ҳикоя қилиб беришади.

АҚШ, Япония, Россия ва Австралия телефильми ижодкорларининг мажмур музей ҳақидаги ҳужжатли фильмлари ҳам саёҳатчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Санъат

Файрат ОТАЖОНОВ.

Аждодларнинг нодир мероси

отаси қора уйға буюртма берса, уни безатиш турмушға чиқаётган қизнинг, яъни келин томоннинг зиммасида бўлади.

Саккиз қанотли қора уйда болачақали, ўртача оила, ўн икки қанотлисиде эса неварачеварали, пиру бадавлат оила истиқомат қилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўн икки қанотли ўтовлар, одатда, хар бир қишлоқнинг энг баланд жойига, яъни "маслаҳат тепа"ға ўрнатилиб, тепасига оқ кигиз ёпилади. Бу ерда илгарии эл оғалари, биллар, катхудолар халқ тақдирига алоқа-

дор масалаларни муҳокама қилишган. Халқ оғзаки ижодида учрайдиган "оқ ўтов", "бўз ўрда" атамалари худди шундай уйлари билдиради.

Қадрият

Қора уйни қуриш уч босқичдан иборат бўлиб, бу махсус кишилар — "уйчилар" томонидан амалға оширилган. Аввало, ўтов учун ёғоч танлиниб, қирқилган ҳолда қурилади. Уйнинг қанотлари учун тол шоҳларидан фойдаланилади. Улар одам

бўйдан баландроқ қилиб қирқилиб, теридан ийланган тасма иплар ёрдамида бири-бириға боғланади. Шу тарихи уй қанотлари йиғилдиган ва ёйилдиган ҳолатға келтирилади.

Сўнгра "шангарак", яъни қора уйнинг тепа, тугун чиқадиган қисми ясалди. Қорақалпоқ тилидаги "шангарак", "тутун" иборалари "оила" маъносини ҳам англатади.

Ўқорида таъкидлаганимиздек, ўтовнинг ички безаш ишларини келин томон — хотин-қизлар амалға оширадидлар. "Оқ басқур", "қизил басқур", "белбоғ", "эшиққош", "шан-

гарақ боғич" ва "тизма" кабилар уйни безашда зарур бўладиган жиҳазлардир. Уларда қорақалпоқ қиз-жувонларининг бетакрор ҳунари — тўқимачилик намуналари, миллий нақшлар ўз аксини топади.

Қора уйни йиғиш ва қуриш жуда осон. Ёз ойларида эшикни очиб, уйнинг орқа тарафидаги чий кўтариб қўйилса, ичкариға салқин шабада қиради.

Миллий қадриятларимиз қайта бўй тиклаётган ҳозирги истиқлол замонамизда ҳам ўтовға талаб ортиб, у, ҳатто, хоризқилларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айгул ПИРНАЗАРОВА.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахририятта келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5